

Ижтимоий соҳаларни ривожлантириш бўйича халқ билан мuloқot қилинди



Президент Шавкат Мирзиёев Андижон шаҳрида бўлиб ўтган йиғилишда вилоят аҳолисининг турмуш шароитларини яхшилаш, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Вилоятда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Жорий йилда 271 та кўп қаватли, шунингдек, ипотека асосида 2 минг 500 та якка тартиbdаги уйлар қурилмоқда. Шулардан 2 минг 710 та хонадонга субсидия ажратилади.

Бу йил 460 километр ичимлик суви, 1 минг 147 километр электр узатиш тармоқлари қурилиши ва таъмирланиши қайд этилди.

Таълим, тиббиёт соҳаларида ҳам хайрли ишлар кўп. Бу йил 30 та мактаб таъмирланади. Математика, кимё-биология, информатика ва ахборот технологияларига ихтисослашган 13 та мактаб фаолияти ташкил этилади.

4 та оиласиий поликлиника ва 9 та оиласиий шифокорлик пункти ташкил этиш бўйича топшириқ берилди. Вилоятда 1 миллион 500 минг аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш, жумладан, 300 мингдан ортиқ аёлларни маммографик ва ультратовуш текширувларидан ўтказиш муҳимлиги таъкидланди.

Мураккаб операцияларга муҳтож, эҳтиёжманд аҳолига ёрдам бериш бўйича вилоятда маҳсус жамғарма ташкил этиш ташабbusи билдирилди.

Ёшлар ва аёллар муаммоларини тизимли ҳал қилиш, уларни касбга ўргатиш ва иш билан таъминлаш масалаларига ҳам тўхталиб ўтилди.

Йиғилишда Бош вазир ўринбосарлари, вазирлар, ҳоким ва сектор раҳбарлари ҳисобот берди. Шаҳар

ва туман студияларидаги аҳоли билан очик мулоқот бўлди.





Ozbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Ozbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT XIZMATI



Манба

Özbekiston Respublikasi Prezidentining
MATBUOT NIZMATI